

МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ МАСАЛАЛАРИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Абдуганиева Гулрух Мансур кизи

Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети

2-курс талабаси

Илмий раҳбар: ю.ф.д., профессор В.Р.Топилдиев

АННОТАЦИЯ

Муаллиф мазкур мақолада муомала лаёқати тушунчаси унинг мазмун моҳиятини амалдаги қонун хужжатлари асосида илмий - назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этган. Шунингдек, муомала лаёқати борасида васийлик ва ҳомийлик институтининг қўлланилиши борасида ўзининг тақлиф ва тавсияларини илгари сурган.

Калим сўзлар: муомала лаёқати, васийлик, ҳомийлик, васийлик ва ҳомийлик органлари, муомалага лаёқатсиз фуқаро, қисман муомала лаёқатили шахслар тўла муомала лаёқатига эга шахслар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор анализирует понятие платежеспособности с научно-теоретической и практической точки зрения на основе действующего законодательства. Он также выдвинул свои предложения и рекомендации по применению института опеки и попечительства с точки зрения дееспособности.

Ключевые слова: дееспособность, опека, попечительство, органы опеки и попечительства, недееспособный гражданин, ограниченно дееспособные лица, полностью дееспособные лица.

ABSTRACT

In this article, the author analyzes the concept of solvency from the scientific-theoretical and practical point of view on the basis of current legislation. He also put forward his proposals and recommendations on the application of the institution of guardianship and trusteeship in terms of legal capacity.

Keywords: legal capacity, guardianship, trusteeship, guardianship and trusteeship authorities, incapacitated citizen, partially incapable persons, persons with full legal capacity.

КИРИШ

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини тўлиқ амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик

институтининг аҳамияти ниҳоятда кенгдир. Унинг асосий вазифаси вояга етмаган шахсларнинг ҳамда жисмоний камчилиги бўлган шахслар ёки руҳий қасалликка чалинган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек мулкий ва шахсий ҳуқуқларни қўриқлаш, ҳимоя қилиш ҳамда тўлиқ асосда амалга оширишдан иборатdir.

Васийлик ва ҳомийлик институти қадимдан яъни Рим фуқаролик ҳуқуқи асосларидан яъни, Рим қулдорчилик давлатидан бошлаб пайдо бўлган¹. Рим фуқаролик ҳуқуқида вояга етмаган шахсларнинг (ёш болаларни) ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаш, уларнинг ҳуқуқларидан бирон – бир манфаат асосида фойдаланиши ҳатто жиноят бўлиб ҳисобланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Муомалага лаёқатсиз фуқаро шахсини, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Васийлик шундан иборатки, бунда муомалага лаёқатсиз шахс - ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, руҳий қасал ва ақли заифлар номидан васий ҳаракат килади ҳамда ўзининг ҳаракатлари билан васийликка олинган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради. Ҳомийликда ҳомийлар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахслар (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқаролар)га ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек, уларни учинчи шахсни баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятдаги ҳаракатларидан сақлаб қоладилар. Ҳомийлик баъзи ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган, масалан кўзи ожиз (кўрлик), майиблик сабабли ўз ҳуқуқларини ўzlари амалга ошира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Бундай шахсларга нисбатан ҳомийликнинг вазифаси улар учун ҳуқуқлар олиш ёки уларни амалга ошириш билан боғлиқ турли ҳаракатларни бажаришдан иборат².

Бундан ташқари цивилист олим Х.А. Рахмонқуловнинг фикрича васийлик ва ҳомийлик оила ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан ташқил топган биргаликдаги институт сифатида тан олинади”³.

¹ Топилдиев, В.Р. Рим ҳуқуқи. Тошкент: Янги аср авлоди, (2013). 263.

² Топилдиев, В. Р. Фуқаролик ҳуқуқи (Ўқув кўлланма). Т.: (2011). Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 624.

³ Рахмонқулов Х.А.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи кисмига умуий тавсиф ва шархлар. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, Т., 1997 .128-129 б

Демак муомалага лаёқатсиз фуқаролар шахсини унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкий ҳуқуқларни қўриқлаш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланади, деб Фуқаролик кодексининг нормаларида кўрсатилган. Умуман васийлик шундан иборатки, бунда муомалага лаёқатсиз шахс ўн тўрт ёшга тўлмаган бўлсалар, ҳамда бу фуқаролар карлар, кўрлар, соқовлар, дудукланиб гапирадиган шахслар руҳий касал ва ақли заифлар бўлишилиги мумкин бўлган шахслар номидан васий ҳаракат қиласида ва ўзининг ҳаракатлари билан васийликка олинган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Ҳомийликда бўлган шахсларга ҳомий муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан, ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек, уларни учинчи шахснинг баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятли ҳаракатларидан саклайдилар.

Ҳомийлик баъзан жисмоний камчиликлари бўлган шахсларга, масалан, кўрлик, майиблик кар, соқов, дудуклар спиртлар, ичимликларни ва гиёхвандлик воситаларни, психотроп моддаларн истеъмол қилишилиги сабабли ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга ошира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Бундай шахсларга нисбатдан ҳомийликнинг вазифаси ҳуқуқларни олиш ёки уларни амалга ошириш билан боғлиқ турли ҳаракатларни улар учун бажаришдан иборат.⁴

Васий ва ҳомийнинг ҳуқуқий ваколатларининг бир – биридан фарқи шундан иборатки васийлик ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг номидан тўлиқ ҳаракат қилинади. Яъни васий бу ёшдаги йигит ва қизларнинг номидан тўлиқ ҳаракат қилиб, ўзи учун бирон – бир манфаатни қўзламайди, агар ўзи учун бирор манфаат вужудга келар экан, бу тузилган битимлар ва шартномалар ноҳақиқий деб ҳисобланиб, шартнома бўйича олинган барча мулкий ҳуқуқлари, ҳуқуқ объектлари ҳар – бирининг ўзларига кайтарилади.

Ҳомий эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар, яъни қисман муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар, ҳамда тўлиқ муомала лаёқатига етса ҳам, лекин баъзи қилган ҳаракатларини тўлиқ тушуниб етмаслиқ, унинг ҳуқуқий оқбатини яхши англай олмаслик натижасида ҳам уларга ҳомийлик белгиланиши мумкин.

⁴ Веберс Я.Р “Правосубъектность граждан в советском гражданском и семейном праве Рига”, 1976. стр 243.

Демак, васий вояга етмаган шахсларнинг номидан тўлиқ асосда барча ҳаракатларни амалга ошиrsa, ҳомий эса қисман вояга етган шахсларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилади, ҳамда баъзи бир ҳукуқларнинг қирраларини ёки ҳукуқ ва бурчларининг бир қисмини ҳимоя қилишлиги мумкин.⁵

Васийлик ва ҳомийлик органлари маҳаллий хокимиятда, туман ички ишлар бўлими, соғликни сақлаш, халқ таълими, ижтимоий таъминот бўлимларида тузилади ва ўз фаолиятини амалга оширади. Айниқса маҳаллий органларнинг васийлик ва вояга етмаган шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишда ҳомийлик органлари. Улар вояга етмаганларга нисбатан васийлик воситаларини амалга оширишни: ёш болаларга нисбатдан халқ таълими бўлимларига руҳий касал ва ақли заифлиги нисбатдан эса – ижтимоий таъминот бўлимларига юклайдилар. Қишлоқ жойларида васийлик ва ҳомийлик қишлоқ кенгашлари томонидан белгиланади.

Агар васийликка олинувчининг мулки у турган жойда бўлмаса, икки васий: бири унинг ўзига нисбатан, иккинчиси васийликка олинган шахснинг мулкига нисбатдан тайинланиши мумкин.

Ота – оналар васийлик ва ҳомийлик вазифаларини алоҳида тайинламай, конун бўйича бажарадилар.

Ота – оналари бўлмаган такдирда ёки улар амалда бу вазифани бирорта сабабга кўра амалга оширмаса, Масалан, қамоқда ёки шифохонада бўлиши туфайли бажара олмасалар ёки ота – оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлинган бўлсалар, васийлик ва ҳомийлик органлари висий ва ҳомийни, биринчи навбатда, васийликка олинувчига яқин шахслардан бирини тайинлайди.

Муомалага лаёқатсиз шахслар, суд томонидан ота – оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганг шахслар, шикоят қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилинган фуқаролар ва манфаатлари васийликка оловчининг манфаатларига қарама – қарши бўлган шахслар висий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас.

Ёши олтмишдан ошган, фуқаролар касалларини ёки бажариб турган ишлари бўйича васийлик вазифаларини бажара олмайдиган шахслар, саккиз ёшгача бўлган болаларни тарбияловчи оналар ва бошқа бирорга висий ва ҳомий бўлган шахслар висий қилиниб тайинланишидан бош тортишлари мумкин.

Висий ва ҳомийнинг асосий вазифаси васийликка оловчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилишдан яъни висийликка ва ҳомийликка олинувчининг манфаатларини қўриқлашдан иборат.

⁵“Гражданское право” изд-М., “Проспект”, 2001, стр 99.

Бинобарин, васийликка олувчи ўзига ишонилган мулқдан ўзи учун ҳеч қандай фойда олмаслиги лозим. У васийликка олган шахсни асраш ва унинг мулкини идора этиш ҳаражатинигина амалга оширишга ҳақли бўлади.

Умумий қоида бўйича васийлик ва ҳомийлик фаолиятлари текин ҳақсиз бажарилади. Факат даромад келтирадиган мулклар бўлган тақдирдагина васий органлари васийга ўша мулқдан келган даромаднинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда ҳақ тўлашлари мумкин.

Васий васийликка олинган шахс томонидан битимлар тузишга ҳақли, лекин васийликка олувчининг мулкий аҳволига ёмон таъсир этадиган битимлар тузишда васийлик органларининг розиликлари билан иш қилишлари лозим.

Нотариал тасдиқлашни талаб этадиган шартномалар тузиш, васийликка олинган шахсга қарашли мулкий ҳуқуқлардан воз кечиш, мулкни тақсим қилиш ва шунга ўхшашлар учун васийлик органларининг розилиги зарур. Ёш болаларга қарашли бўлган иморатларни сотиш учун васийлик органларидан маҳсус рухсат олиниши керак.

Айниқса уй – жойни, ҳовлини, хонадонларни сотиш фақат нотариал идоралар тасдифидан ёки гувоҳлантирилгандан кейин, қишлоқ жойларида нотариал идоралар бўлмаган тақдирда, қишлоқ кенгашлари дафтарларидан қайд қилиб ўтказилгандан сўнг, ҳатто ёш вояга етмаган шахслар уйини сотаётган вақтда, унга меҳнат омонат кассаларида ҳисоб очган ҳолда ва сотилган уй – жойнинг пулини вояга етмаган шахснинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан бу муносабатлар амалга оширилади.⁶

Васий васийликка олинган шахснинг ўзи билан ва унинг номидан ўзининг яқин кишилар билан битимлар туза олмайди, чунки бунда васийликка олувчининг манфаатларига заар келтириб, ўзига яқин кишиларнинг манфаатларига устинлик бериш ҳавфи бўлишлiği эҳтимоли мавжуд.

Васийлар вояга етмаганларнинг тарбияланишларига, соғликларига ғамхўрлик қилишга ва улар билан бирга туришга мажбурдирлар.

Рухий касалларнинг васийлари эса, уларни даволаш ва соғликларига мувофиқ шароитда асраш тадбирларини таъминлашлари лозим. Ҳомийлар ғамхўрлик қилишлари учун ўзларига ишонган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларида ёрдам кўрсатадилар, уларни учинчи шахсдан ёмон ниятли ҳаракатлардан сақлайдилар.

Битим тузиш учун васийлик ва ҳомийлик органларининг розиликлари талаб қилинмаган ҳолларда, битимлар тузишга розилик беришлари мумкин.

⁶ Зокиров И.. “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи”. Т., “Адолат” 1996. 43 бет.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларида шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, ҳар қандай шахслар билан муносабатларида шу жумладан судларда ҳам маҳсус ваколатномасиз ҳимоя қила олдилар. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 32- моддаси).

Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ бўлган муносабатларга оид бўлган асосий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси⁷ билан ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида”ги қонун⁸ ҳамда тегишли “Низом⁹” билан тартибга солинади.¹⁰

Фуқаролик ва оила кодексларида фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати билан бевосита боғлиқ бўлган васийлик ва ҳомийлик тушунчаси, васийлик ва ҳомийликни белгилаш асослари, шунингдек уларнинг бекор бўлиш асослари тўғрисида, умуман васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ нормалар тўлиқ ўз ифодасини мазмунини топа олган.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда аҳоли орасида васийлик ва ҳомийлик нима ва уни қандай органлар амалга оширади, шунингдек уларнинг вазифалари нималардан иборатлиги тўғрисида тўла тушунчалар мавжуд эмас.

Шунинг учун бизнинг фикримизча аҳоли орасида бу хусусида кенг ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, уларни ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш шунингдек, ушбу масалалар бўйича юқори нуфузлили журналларда илмий мақолаларни янада кўпроқ чоп этиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

REFERENCES

1. Топилдиев, В.Р. Рим ҳуқуқи. Тошкент: (2013). Янги аср авлоди, 263.
2. Топилдиев, В. Р. Фуқаролик ҳуқуқи (Ўкув қўлланма). Т.: (2011). Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 624.

⁷Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда, 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш хақидаги 269-сонли қарори.

¹⁰ Топилдиев, В. Р. (2011). Фуқаролик ҳуқуқи (Ўкув қўлланма). Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 624.

3. Рахмонқулов Х.А.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи кисмига умумий тавсиф ва шархлар. “Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси” нашриёт уйи, Т., 1997 .128-129 б
4. Веберс Я.Р “Правосубъектность граждан в советском гражданском и семейном праве Рига”, 1976. стр 243.
5. Гражданское право. изд- Москва., “Проспект”, 2001, стр 99.
6. Зокиров И.. “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи”. Т., “Адолат” 1996. 43 бет.
7. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
8. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда, 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги 269-сонли қарори.
10. Топилдиев, В. Р. (2011). Фуқаролик ҳуқуқи (Ўқув қўлланма). Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 624.